

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
23 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 64 (13325)

@haqiqatonline

Хорманг, пахтакорлар!

А йни пайтда вилоятимиз далаларида пахта терими қизгин паллага кирди. Хўш, бу жараёнда теримчиларга қизгин паллага кирди. Хўш, бу жараёнда теримчиларга қизгин паллага кирди. Хўш, бу жараёнда теримчиларга қизгин паллага кирди.

Худуддаги 11 минг 300 гектар майдонда ғўза паваришланиб, жами 35 минг 360 тонна пахта хом ашёсини давлатга топшириш кўзда тутилган.

Агрокластер: ТОЛАДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Пресс-турнинг илк манзили тумандаги "Хатирчилик Абдулла" фермер хўжалиги бўлди. Фермер хўжалигининг жами ер майдони 51 гектар бўлиб, шундан 25 гектариди ғалла, 26 гектариди ғўза парваришланган. Қувонарлиси, фермер биринчи теримнинг ўзида режани ортиги билан бажарди.

– Ҳосилимиз бу йил анча баракали ва салмоқли бўлди, – дейди хўжалик раҳбари Шокир Рузиев. – Давлат қабул пунктларига режадаги 74 тонна ўрнига, 85 тонна хом ашё топширдик.

Йул-йўлакай теримчилар билан суҳбатлашдик. Улар пулларини ўз вақтида олаётгани, мавсум давомида яхшигина даромад топишларини таъкидлашди.



Таъкидлаш лозимки, мавсумда туман буйича 28 та пахта териш машинаси жалб этилган бўлиб, ҳозирда улар юқори унум билан ишляпти.

Тумандаги "АБС Оққўрғон агро

кластер" далаларида ҳам машина терими бошланди. Тадбир иштирокчилари жараён билан танишиш мақсадида мазкур далага бориб, механизатор ва терим отрядлари фаолиятини кузатишди.

Шу куни журналистлар пахта терими бошланди. Тадбир иштирокчилари жараён билан танишиш мақсадида мазкур далага бориб, механизатор ва терим отрядлари фаолиятини кузатишди.

да ишга тушган қорхонада 300 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Бу ерда болалар ва катталар учун кийим-кечаклар тикилади. Қўл меҳнати ва замонавий ускуналар уйғунлигида яратилган маҳсулотларнинг харидорлари ортиб бораёпти. Тез орада қорхона ўзининг сифатли маҳсулотлари билан жаҳон бозорларига чиқишни ният қилган.

Республика қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан қорхона учун қўшимча 200 донна замонавий турдаги тикув машинаси берилди. Келгусида қорхона фаолиятини янада кенгайтириб, қўшимча 50 та янги иш ўрни яратишни режалаштирмоқда.

Ўз муҳбиримиз Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

Бунёдкорлик

АЙЁҲЛИК АЛОҲИЯТИНИНГ

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Тошкент туманининг "Тутзор" маҳалласида "Фотима Султон" меҳмонхонаси иш бошлади. Меҳмонхонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳақимов, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Улуғбек Аъзамов, вилоят ҳоқими Рустам Холматов иштирок этди.



– Тошкент вилоятида туризмни ривожлантириш борасида кўп ишлар амалга оширилмоқда, – деди Улуғбек Аъзамов. – Инвесторларнинг 40 фойздан ортиги туризм объектларини куриш истагини билдиришмоқда. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан туризм бўлими билан биргаликда барпо этилган мазкур маскан ҳам маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқимини ошириш

ҳамда соҳа ривожини йўлида хизмат қилади. 102 ўринли замонавий меҳмонхона мажмуасининг умумий қиймати 15 миллиард сўмни ташкил қилади. Меҳмонхонада ҳозирча 30 та янги иш ўрни яратилди.

Меҳмонхонада сайёҳлар учун люкс, ярим люкс ва стандарт номерлар, ресторан, банкет зали, музокара зал, бассейн ва биллардхона, автотурароқ хизмат кўрсатмоқда.

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА ШАФФОФ

Хизмат

Бугун олис ҳудудларимизда Давлат хизматлари марказлари шаҳобчаларининг фаолият олиб бораётгани қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳоли ҳаётини яхшилашга ва уларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бекобод тумани марказидан 60-65 чақирим олинган "Қўқон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда туман Давлат хизматлари марказининг

филиали иш бошлади. Мазкур филиал орқали бир кунда 100 дан зиёд фуқарога давлат хизматлари кўрсатилади.

(Давоми 2-саҳифада)

21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Давлат тили бу – миллий ғурурими. Ўз миллий тилимизга ҳурмат эса мамлакатимизнинг дунёда муносиб эътирофга эга бўлишида муҳим омилдир.

ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ борлиги ва борлиғи

Дарҳақиқат, бугунги глобализация даврида ўз-ўзини англаган ҳар бир халқ миллияти ва миллий қадриятларини асраб қолиш устида тинимсиз бош қотирмоқда. Техниканинг шиддатли ривожини, сиёсий-иқтисодий жараёнлар суръати ва маданиятлараро мулоқот қучайиб бораётган ҳозирги даврда замон билан ҳамнафас юришга, ўзининг тили, маданиятига бу жараёнларнинг "емириш" ва "йўқ қилиш" даражасидаги салбий таъсирини имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилмоқда. Мазкур жараёндан биз ҳам четда қолаётганимиз йўқ, албатта.

Бу йил "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганга 31 йил бўлади. Шу вақт ичида тилимизнинг ривожланиш ҳолати ва ундан фойдаланиш бўйича қанчадан-қанча жараёнларни бошдан кечирдик. Бу давр ҳам бир тарихга айланди.

Бугунги кунда мамла-

катимиз шиддат билан ривожланиётгани, халқимиз турмуш фаровонлиги яхшилангани, халқаро майдонда нуфузи ортиб бораётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Биз ҳозиргача йўл қўйилган камчиликларни муҳокама қилиб, бир-биримизни ёзғириш ниятлараро мулоқот қучайиб бораётган ҳозирги даврда замон билан ҳамнафас юришга, ўзининг тили, маданиятига бу жараёнларнинг "емириш" ва "йўқ қилиш" даражасидаги салбий таъсирини имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилмоқда. Мазкур жараёндан биз ҳам четда қолаётганимиз йўқ, албатта.

Она тилимиз, ўзбек тили, давлат тили масалаларида энди эҳтиросларга берилиш даври ўтди. Давлат тили мақоми мустақамлашга ҳаракатни ҳар биримиз ўзимиздан, ўз фаолиятимиздан бошлашимиз керак.

Халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда тилинг аҳамияти ниҳоятда катта. Миллатнинг борлиги ва борлигини кўрсатувчи тилимизни асраб-авайлаш, оила, мактабга таълим, мактаб, жамоа ва маҳалладан бошланади.

(Давоми 2-саҳифада)

Даладагиси эмас, ХИРМОНДАГИСИ ҲИСОБ

Янгийўл туманида жорий йилда 12 минг 50 гектар майдонда ғўза парваришланган бўлиб, давлатга 5 минг 950 тонна пахта хом ашёси сотиш режалаштирилган.

Ихтиёрий равишда теримда қатнашишни хошлаётган фуқаролар туман СЭОМ ходимлари томонидан назоратдан ўтказилиб, улар билан меҳнат шартномаси имзоланаёпти ва теримга жалб этилмоқда.

Ҳар бир терим отрядига иштирокчиларнинг соғлигини назоратга олиш мақсадида бир нафардан ҳамшира бириктирилган.

"Мақсудали ўғли Раҳмонали" фермер хўжалиги 35 гектар майдонда ғўза парвариш қилиб, 120



тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси йиғиб олишни мўлжалламоқда.

– Кеча теримда 10 тонна ҳосилни саранжомлашга муваффақ бўлдик, – дейди фермер

хўжалиги раҳбари Раҳмонали Жабборов. – Ҳали далаларимизда пахта кўп. Терим мавсуми тобора қизгин паллага кирмоқда.

Фармон ва ижро

ОДАМЛАР БИЛАН ИШЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Ангрен шаҳридаги "Осие" тантаналар саройида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг "Фуқаролар йиғинларида иш хужжатлари ва уларни юритиш вақтинчалик тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи асосида фуқаролар йиғинлари ходимлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида тадбир ташкил этилди.



Тадбирда шаҳар ҳоқими Шукуралла Маҳмудов, вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъул ходими А. Тангибоев бошчилигидаги ишчи гуруҳ вакиллари шаҳардаги 51 та маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари билан юзма-юз мулоқот қилишди.

Учрашувга йиғилган маҳалла раислари ва уларнинг ўринбосарлари фуқаролар йиғинларидаги иш хужжатлари ва уларни юритиш тартиби, фуқаролар билан ишлаш жараёнидаги муомала ҳамда кийиниш маданияти борасида амалга оширилган ишлар билан

яқиндан танишдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда жамиятимизда янги тизимнинг ўрни ва фаолияти хусусида ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Шаҳар ҳоқимлиги Ахборот хизмати



Тез, қулай ва шаффоф

Эндиликда саккиз мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қиладиган "Шова", "Қўштамғали", "Қўқони", "Янги овул", "Ачамайли", "Найман" ва "Уяса" маҳаллалари аҳолисига ҳафтанинг икки иш кунинда тез, қулай ва шаффоф хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилади.

– Филиалнинг очилиши, айниқса, биз каби кексалар (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Аброр ЭСОНОВ
олган сурат

Мижозларга манзур шароит

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тақиядорлик жамиятининг Тошкент вилояти бўлими Янгийул филиали маъмурий биноси таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.



Банк филиали вилоятнинг 5 та тумани (Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Зангиота, Тошкент ва Янгийул) га хизмат кўрсатади. Зангиота туманида эса 1 та минибанк аҳолига ўз хизматларини тақдим этмоқда. Банк филиалида замо-

навий инновацион банк хизматлари кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда миждозларнинг 70 фоизи масофадан бошқариладиган банк хизматларидан фойдаланмоқда.

МАҲАЛЛАНИНГ КЎРКИ йўл билан

Кейинги пайтда Чирчиқ шаҳрининг ички кўчаларидаги вазият бўйича аҳолидан кўплаб мурожаатлар бўлаётган эди.



Шаҳар ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджетдан ушбу масалани ижобий ҳал қилиш учун 1 миллиард 150 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Айни пайтда келиб умумий узунлиги 1 километру 750 метр бўлган ички йўллар таъмирдан чиқарилди.

Бугунги кунда шаҳарнинг "Умид", "Наврўз", А. Яссавий ва Ҳ. Мақсудов номи маҳаллаларидаги таъмирталаб ички йўлларга асфальт ётқизилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида шаҳарда ички йўлларни таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ борлиги ва борлиғи

Бироқ, охири пайтларда намойиш этилаётган татуриқсиз фильмлар ва сериалларда бошқа миллатдан кирган, тушунарсиз ёки қўпол, маънавийтимиз ва қадриятларимизга зид бўлган сузлар ишлатилиши учрамоқда. Бундай ҳолатларни баъзи санъаткорларнинг кўшиқларида ҳам учратиш мумкин. Бу борада ҳам мутахассисларнинг назоратига эътибор бер.

Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, турли лавҳаларда, бинолар пештоқидаги аҳоли диққатини жалб этадиган жойларда номлар ёки рекламаларнинг ҳеч бир маъни ва қолипга тўғри келмайдиган шаклу шамойилда берилётгани умумий саводхонлик даражаси тушиб кетгани, мутахассис ва зиёлиларнинг эса бефарқ ва лоқайдлигини кўрсатиб турибди. Бу борада ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни тақомиллаштириш ва қонунбузилиш

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



ҳолатларида кўрилажак чораларни кучайтириш зарур. Шунда тил ва ёзув ўртасидаги чалқашликлар, маънавийтимизга ёт ифодалар оммалашишининг олди олинади. Мухтасар айтганда, ўзбек тилининг халқаро нуфузи тобора юксалаётган, АҚШ, Германия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия ва Украина каби давлатларнинг олий таълим муассасаларида ўзбек тили йўналиши очилиб,

ўша мамлакатлар ёшлари тилимизни ўрганишга катта қизиқиш билдираётган, ўзбек тили ва адабиёти, киёсий мавзулар бўйича илмий изланиш олиб борувчи чет эллик тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаяётган бир пайтда ўзимиз ҳам борлигимиз ва борлигимиз тимсоли – тилимизга эътиборли бўлайлик.

Бахтиёр ҚҮРБОНОВ,
Бука тумани Мактабгача таълим бўлими мудири

Безавол кўзгу

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганга 31 йил тўлиши муносабати билан "Тил – миллат кўзгуси" мавзусида онлайн мулоқот ташкил этилди.

Унда ҳарбий прокуратура, Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари ва профессор-ўқитувчилар иштирок этишди. Шунингдек, жойлардаги ҳарбий қисмлар шахсий таркиби видеоқонференц алоқа орқали онлайн қатнашдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўзбек тилининг тарихи, шаклланиши ва айниқса, сўнги йилларда она тилимизни ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган ислохотлар, соҳага доир қабул қилинган қонун ҳужжатлари

ҳақида батафсил тўхталдилар. – Сўнги йилларда ҳарбий қисмларимизда хизмат ҳужжатларини юритиш, мулоқот жараёни ва бошқа ҳолатларда тилга оид хато ва камчиликларга йўл қўймаклик бўйича доимий равишда тушунтириш-тарғибот олиб борилапти, – дейди Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурининг катта ёрдамчиси Ботирбек Собиров. – Келгусида ҳам Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасидаги ишларни янада кучайтирамиз.

Онлайн мулоқот қизғин савол-жавобларга бой бўлди.

Тарих сабоқлари

60 йиллик олтин ҳазина



Ангрен шаҳар тарихи музейи ташкил топганига 60 йил тўлди. Бу давр ичида атоқли музейлар қаторидан жой олган мазкур музей қанчадан-қанча инсонларни хотирламади, қанчадан-қанча осориатикларини ўз бағрида сақламади, дейсиз. Бунда шу юрт, шу ўлканинг ўтмиши, бугуни ва эртаси мужассам.

Сана муносабати билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокими музей ходимларини табриклаб, фахрий ёрликлар билан тақдирлади. Меҳмонлар учун музей бўйлаб саёҳат уюштирилди. Улар кўргазма ва диаграммалардаги тарихий маълумотлар, шаҳарнинг еттинчи ва ўн биринчи асрдаги кўриниши билан танишишди.

Музей 1960 йил 21 сентябрь кунини Ангрен шаҳрининг маркази бўлган "Соғгород" посёлкаси (кўргони)да ташкил топган. 1963 йилда музей табиат, геология, тарих ва археология деб номланган тўрт бўлимдан иборат бўлган. 1972 йилда музей янги бинога кўчирилган. 2019 йилда Ўлкашунослик музейига янги



– Ангрен шаҳар тарихи музейи номи берилиб, юридик мақомга эга бўлди.

Ҳозирда музей табиат, тарих ҳамда этнография ва санъат бўлимларидан ташкил топган. Музей ёшларни маданий, тарихий ва бадиий меросимиз, ўтмиш

ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ва санъат асарлари билан таништириш, шунингдек, уларда Ватанга садоқат туйғусини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати



120 МИНГ ЙИЛ АВВАЛ...

Саудия Арабистони шимолида қарийб 120 минг йил бурун яшаган инсонларнинг излари топилди. Тахмин қилинишича, кам сонли одамлар гуруҳи чанқоғини қондириш ва ов қилиш учун кичик кўл бўйида тўхтаган.

Замонавий туялар, буйволлар ва филларнинг аждодлари ҳам бу кўлга сув ичишга келиб турганини излар (улар ҳозиргиларидан анча катта) тасдиқламоқда.

Мазкур топилма инсон ва ҳайвонларнинг Нефуд чўлидаги изларига бағишланган тадқиқот доирасида тикланди. Оптик люминесценция усулида изларнинг ёшига аниқлик киритилди. «National Geographic» нашрининг ёзи-



шича, мутахассислар бу изларни неандерталларга тегишли эмас, дейишмоқда. Чунки, ўша даврда уларнинг бу ерга келгани ҳақида ҳеч қандай далиллар йўқ.

САМОЛЁТЛАР ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЎРНАТДИ

Россия Федерацияси ҳаво-космик кучлари узоқ парвозлар қўмондони, генерал-лейтенант Сергей Кобиланиннинг маълум қилишича, Россиянинг товушдан тез учувчи «Ту-160» бомбардимончи самолётлари янги жаҳон рекордини ўрнатди.

«РИА Новости» хабарига кўра, олдинги 24 соату 24 дақиқалик рекорд ҳам «Ту-160» томонидан ўрнатилган.



47 ДОЛЛАРЛИК САЁҲАТ

Токиода сайёҳлар камлиги бонс автобус ҳайдовчиларига деярли иш йўқ эди. Бироқ, автопарк ходимлари бекор ўтирмасдан, ҳам даромад манбаи, ҳам саёҳатчилар учун кўнгличар машғулот ўйлаб топишди.

Яъни, шаҳар атрофида автобуслардан иборат улкан лабиринт ташкил этилди. Мазкур лабиринтни тузиш учун 60 та автобус керак бўлди. Эндиликда ғайритабиий жойда саёҳат қилишни ис- таганлар 47 долларга чипта



харид қилишларига тўғри келади.

90 ТА КИТ НОБУД БЎЛДИ

Австралиянинг Тасмания ороли қирғоқларида 270 та кит ўзини куруқликка олди. Жониворларнинг 90 таси нобуд бўлди. Қолган китларни қутқариш давом эттирилмоқда.

Бироқ, ноқулай об-ҳаво вазиятини янада оғирлаштириши мумкин. Мутахассислар томонидан жониворларнинг оммавий ўз жонига қасд қилиши



сабаблари ўрганилмоқда. Кузатувларга кўра, бундай китлар ўлими 2000-йилдан бери кузатилмаган. Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ИШБИЛАРМОННИНГ ИШИ БЕШ



Ўрта Чирчиқ туманидаги "Hum Power Business" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фарҳод Каримжонов иссиқхона шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, экспортни йўлга қўйган ишбилармон тадбиркорлардан.

У 2018 йилда 4 гектар майдонда Жанубий Корея технологияси асосида замонавий иссиқхона барпо этди. Иссиқхонадаги экинлар парваришида томчилатиб сугоралаш технологиясидан фойдаланилади. Ҳозирги кунда иссиқхонадаги помидорларига ранг кириш арафасида. Етиштирилган ҳосил Россия ва Қозғоғистон бозорларида етказиб берилади.

– Помидорнинг серҳосил ва экспортбоп навини танлаганмиз, – дейди иш бошқарувчи Ботир Каримжонов. – Кўчатларни июль ойининг

охирларида эканмиз. Худо хоҳласа, помидорларимиз ноябрда пишиб етилади. Гектаридан 75 тоннадан ҳосил олишни режалаштирганмиз.

Ҳозирда иссиқхонада 20 нафар маҳаллий аҳоли меҳнат қилмоқда. Ҳосил тариқлаётганда 150 нафар киши иш билан таъминланади. Зукридан РАҲМОНОВ /Тошкент ҳақиқати/ Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Меҳр манзилнинг Меъмор



Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Президентимизнинг фармонида кўра мукофотланганлар қаторида Феруза Юлдашева ҳам "Соғлом турмуш" медали билан тақдирланди. Охангарон шаҳридаги 7-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабда логопед мутахассислигида фаолият юритаётган Феруза Юлдашева имконияти чекланган болалар билан ишлаб, шундай эътирофга сазовор бўлди. Бунга осонликча эришгани йўқ...

Яхшиси Феруза опанинг қалб синоатлари яширинган дунёсига бир бор назар ташлайтиқда, кўрган-кечирганлари ҳақида ўзларидан эшитайлик.

— Очиғи, мукофотланганимни эшитганимда кўзёшларим юзларимни юваверди, юваверди. 21 йиллик фаолиятимнинг ҳар бир куни кўз ўнгимдан кинотасмасидай ўтаверди...

Ҳаётда соғлиғи заифлиги сабабли тенгдошларидан ортда қолган болаларга ёрдам бериш, меҳр кўрсатиш ҳисси шу касбни танлашимга туртки бўлган. Имконияти чекланган болалар психологиясини университетда чуқур ўргатишган. Бирок, ҳозиргача улар билан муомалада жуда эҳтиёткорман. Чунки, ҳар бир боланинг ўзига яраша фельд-автори, ўз олами бор. Уларни аввал кузатаман, сўнгра мулоқотга киришаман. Илк бор иш бошлаган вақтимда болалардаги нуқсонларни кўриб, жуда тушунлиқча тушардим. Ҳозир эса анча тажрибам ошган, қўлимдан келганича уларга ёрдам бериш ҳақида ўйлайман.

Талабалгимда Тошкент шаҳридаги кар ва соқов болалар учун ихтисослаштирилган 101-мактаб-интернатда тарбиячи бўлиб ишлаганман. Ушанда бир воқеадан жуда таъсирланган эдим. Биз амалиёт ўтаётган пайтда ўқувчилар қайсидир байрамга рақс тайёрлашаётган экан. Улар эшитмагани учун ўқитувчи мусиқа кўймаган. Аммо, қизлар бир маромда рақсга тушишарди. Эътибор билан қарасам, рақс ўрга-

Нишондорларимиз

тувчи кўшиқни хиргойи қилиб туриб, қўли билан қизларни бошқараётган экан... Бу тил-забонсиз раққосларни кўриб, юрак-бағрим эзилиб, роса йиғлаганман. Айнан ўша амалиёт даврида имо-ишора билан ишлашни ҳам ўрганганман. Ҳозирда имконияти чекланган болалар билан ишлаяпман, бу ерда имо-ишора керак эмас, аммо чексиз меҳр керак. Бугунги кунда таълим муассасамизда 202 нафар ўқувчи тахсил олмоқда. Асосий вақтим мана шу болалар билан ўтади, уйга келгач ҳам ўқувчиларимнинг муаммолари ҳақида ўйлайман. Уларнинг ота-оналари билан мунтазам мулоқот-даман.

Имконияти чекланган болалар ҳам соғлом тенгдошлари каби келажакда ўзлари истаган касб эгаси бўлиб, ота-оналарига суяниқ бўлишни истайдилар. Шунини ўйлаган ҳолда мактабимизда тикувчилик, дурадгорлик, сартарошлик, қандолатчиликни ўргатамиз. Кўплаб битирувчиларимиз ўрганган ҳунарлари ортдан бемалол рўзгор тебрата опадилар. Жисман ожиз бўлган бу болалар жудаям беғубор, меҳрга ташна ва сезгир. Уларнинг баъзилари самимий, баъзилари аламзада, баъзилари меҳрибон, баъзилари эса инжиқ... Аммо, озгина эътибор ва меҳр уларни дунёдаги энг бахтли инсонга айлантириши мумкин.

Мадина АБДУСАМОТОВА
Тошкент ҳақиқати/
суҳбатлашди

Ижтимоий тармоқларда (айниқса, ёшлар орасида) хорж давлатларидаги эркинлигу шароитлар ҳақида постлар қолдириш кўпайган. Тўғри, хорж мамлакатларидан ўрғанишимиз керак бўлган нарсалар бор. Бирок, ўзини интеллектуал шахс эканлини ҳис қилиш

учун туғилиб ўсган юртини ўзга мамлакатлар билан солиштириш шарт эмас. Ўша кўпчилик оғиз кўпиртириб гапирадиган, "цивилизациялашган" деб таърифлайдиган давлатлар ҳақидаги баъзи ҳақиқатларни ҳам билиб қўйишимиз керак.

ГЕРМАНИЯда "булимия" — яъни, очофатлик касалига чалинганлар сони миллионга етган. Мазкур мамлакатда ҳаддан ташқари семиришнинг кўпайиб кетиши маҳаллий крематорийларга бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Яъни, жуда катта жасадларнинг куйдирилиши крематорийларда ёнгин хавфсизлиги, шунингдек, атроф-муҳитни ифлосланишига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

2011 йили Голландиянинг BNN телеканалда намоиш қилинган «Proefkonijnen» телешоусининг бошловчилари Денис Сторм ва Валерия Зенолар эса бир-бирларининг гўштакларини ейишган. Телекўрсатувдан бир оз олдин махсус жарроҳлик амалиёти чоғида улардан гўшт парчалари кесиб олинган, сўнг телекўрсатув чоғида ўша гўштни пишириб еганлар...

ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ.

ШВЕЦИЯ пойтахти Стокгольмда майитларнинг 90 фоизи куйдирилади (кремация). Жасад кулларида 45 фоизини эса яқин қариндошлари олиб кетмас экан. Кўпинча, ҳеч қандай дафн маросимлари ҳам уюштирилмайди. Крематорий ходимлари ҳатто айнан кимнинг жасадини куйдираётганидан ҳам хабарлари бўлмайди, кул солиш учун мўлжалланган қутидан қандайдир рақам бўлади, холос. Жасадларни куйдирганда ҳосил бўладиган энергиядан эса шаҳарни иситиш тизимида ёки ўзининг шахсий уйини иситиш учун фойдаланилади.



ҒАРБИЙ ЕВРОПА мамлакатларида тарбия тушунчаси биздагидан буткул фарқ қилади. Масалан, ҳар йили Швецияда ўртача 12 мингта бола ўз ота-онасидан тортиб олинади. "Тарбияда йўл қўйилган хато", "ота-оналарнинг ақлий нуқсонли борлиги", ҳатто "ошириб юборилган васийлик" ҳам бунга баҳона бўлиши мумкин. 1979 йилдан бошлаб бу ерда болаларни жисмоний жазолаш мулақо тақиқланган. Ота-оналар ўз фарзандларини туртиб қўйиши, қўлоғидан чўзиши ёки уларга баланд оҳангда сўзлаши мумкин эмас, акс ҳолда, бунинг учун ҳам жазоланиши мумкин. Болани жазоласангиз 10 йилгача қамалиб кетишингиз мумкин. Боғча ёши даврдан бошлаб болалар ўз ҳуқуқлари тўғрисида батафсил маълумот олишни бошлайдилар ва улар ҳуқуқларини бузсалар, ўзлари полицияга хабар беришлари зарурлигини англайдилар. Бола ва ота-она манфаатлари ўртасидаги зиддиятларда давлат ҳаммага боланинг ёнини опади.

Дарвоқе

НИДЕРЛАНДИЯнинг Амстердам, Роттердам, Гаага, Утрехт ва бошқа йирик шаҳарларида наша (марихуана), алахлаш (галлюцинация)ни келтириб чиқарадиган кўзиқорин ва бошқа "енгил" гиёҳванд моддаларни сотишга расмий рухсатномаси бўлган масканлар (кофешоплар) кўп. Улар ўзларини оғир гиёҳванд моддаларга ўрганганларни енгил наркотиклар ёрдамида гиёҳвандликдан халос қилмаси дея оқлашади. Аммо, "даволаниш"га келганларнинг 90 фоизи зарарли одадларини "оддий ўт"ларни чекишдан бошлагани аниқланган.

Мафтуна СУННАТИЛЛАЕВА,
ЎЗЖОКУ талабаси

КИНОНИГОХ

Ўтган бир ой ичида жаҳон киносида катта ўзгаришлар бўлди. Оскар мукофоти ўз мезонларини ўзгартирди. Кирилган ўзгаришларни қисқача айтганимиз бўлса, энди сиз ишлаган фильмнинг камида 30 фоиз қахрамони аёл, ногирон ё иркий озчиликдан ташкил топмаган бўлса, мукофотдан умидингизни узингиз мумкин.

ДУНЁ КИНОСИДАН КИНО ДУНЁСИГА

Оскарга ашаддий рақиб ҳисобланган Венеция Фильм фестивали бўлиб ўтди ва мазкур обрўли танловда хитойлик ёш режиссёр Хлоэ Жанг (Chloe Zhang) бош совринни кўлга киритди. Хлоэ бугунги жиддий кинони қарзлар билан ўтган йили Марвел билан ишлашга розилик билдиргач, интеллектуал фильм тарафдорлари томонидан ишонсизликка учраган. Ўслатиб ўтиш керакки, Марвел ва Дисней ўзининг ремейклари билан ўз даражасини анча пастлатди. Венеция Фильм фестивали бу қайсидир маънода сиёсатдан бир оз узоқ, чинакам санъат кадрландиган энг обрўли тадбирлардан бири. Модомки, Оскар буткул сиёсатга аралашиб, асл

санъатдан йироқлашган экан, энди кино ихломосмандларининг асосий эътибори Венецияга қаратилиши керак. Бу албатта, шахсий фикр. Бу йил Венецияга пост-совет ўлкалари ичидан ягона туркий халқ — озарбайжонлар ҳам қатнашишди ва кучли бешталикка киришди. Венеция фестивали нафақат Оскар, балки Голливудга ҳам рақиб ҳисобланади. Унинг ҳайъат аъзолари қайсидир маънода Френцис Форд Коппола эмас, балки Андрей Тарковскийнинг доим устун қўйиб келишган. Кўпчилик озиқиб кутган "Dune" фильмининг трейлери эълон қилинди. Аслида, бундан аввал "Tenet" ҳақида ёзиш керак эди, лекин "Дюна" ундан анча аввал бошланган кенг

миқёсли лойиҳа. Ушбу фильм аслида латинамерикалик культ-режиссёр Александр Ходоровский томонидан ишлана бошланган ва лойиҳага Сальвадор Дали каби замонасининг топ санъаткорлари ҳам жалб қилинганди, лекин кейинчалик керакли маблағ топилмагач, лойиҳа бекор бўлди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бугунгача Голливудда ишланган ҳар қандай фантастик, "sci-fi" жанридаги фильмда битмай қолган "Дюна" элементларини кўриш мумкин. Ҳоҳ у "Юлдузлар жанги" бўлсин, ҳоҳ Кубрикнинг "A Space Odyssey"и. Фильмга қизиққан бўлсангиз, "Jodorowsky's Dune" ҳужжатли фильмининг тавсия этиш мумкин. Бу йилги "Дюна"га қайтсак. Сценарий ўша, Френк Херберт романи асосида бош ролда эса Тимотье Шаламет. Баъзи кинотанқидчилар киновнинг келажаги "Tenet"га боғлиқ деб ёзишди. Балки, лекин мен унинг сюжети ва жанрида катта бир янгилик кўрмадим. "Interstellar" ёки бошқа фильмлар каби катта фалсафа ва ғояга эга бўлиши мумкин, лекин бундай машҳур санъат асарлари камми? Ҳозирча шулар.

Мирзоҳид АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон давлат маданияти ва санъат институти талабаси



Сўраган Эдингиз

Тест натижаларини қандай билиш мумкин?

24 сентябрь кунга тест натижалари эълон қилиниши кутилмоқда (ҳали чиққани йўқ). Шу сабабли Давлат тест маркази натижаларини қандай билиш мумкинлиги тўғрисида олдиндан маълумот берди.

- 1. Абитурентнинг шахсий кабинети орқали:**
Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида ҳар бир абитуриент учун шахсий кабинет яратилган бўлиб, абитуриентлар шахсий кабинети (abitur.dtm.uz сайти) орқали танлов натижаларини билишлари мумкин.
- 2. SMS хабарнома хизмати орқали:**
Абитурентлар танлов натижаларини 5100 рақамига абитуриент ID сени юборган ҳолда ҳам билишлари мумкин.
Бунда SMS юборилган телефон рақамига танлов натижалари бўйича SMS хабарнома юборилади (хизмат ҳақи мавжуд).
- 3. Тест натижалари қайдномаси орқали:**
Натижалар эълон қилингандан сўнг тест натижалари қайдномаси олий таълим муассасаларига тақдим этилади.

Инсон ўзинг...

Мусулмонлар Византия империясининг армияси билан жанг қилгандан кейин асир олинганларни қадимий юнон фалсафаси, тиббиёти, математикаси ҳақидаги китобларга алмашган эканлар. Мен буни билимга ва ҳақиқатга чанқок инсон руҳиятининг улғуворлиги ҳақида гувоҳлик

деб ўйлаётгандирсиз? Бундай савол жуда ўринли. Ахир мен, катта қарзлар ботқоғига ботган ва ўзини очликка гирифторм қилиш йўли билангина бу қарзларни узиши мумкин бўлган юртлардан келганман. Бизнинг "учинчи дунё" бу — доимо сув тошқинида қолдиган Осиё, очликдан азоб чекаётган Африка, бу — миллионлаб одамлари

кучайтириш зиёлиларнинг бурчидир. Биз ривожланган, улғу давлатларнинг бошқиларидан, соғлом фикр юргизадиган одамлардан давримизнинг юксак онги даражасига кутарилишни талаб қилишга ҳақлимиз. Узоқ ўтмишда ҳар бир бошлиқ ўз мамлакатни ёки миллатни ҳақида қайғурган, бошқаларни эса ўзига душман деб

ҳар бир одам бошқа ҳар бир одам учун, илм-фаннинг ютуқларини, инсоний донишликни ва цивилизацияни сақлаб қолиш учун ўзининг масъулият улушини зиммасига олиб юриши керак. "Учинчи дунё" номидан сизларга мана бундай қаққир билан муурожаат қилишни ўз бурчим деб билламан: бизнинг фалокатларимиз ва

бир четга улоқтириб ташланмасдан олдинроқ ёрдам беринг! Жаноблар! Сизларнинг илтифотли диққат-эътиборингизни сунистеъом қилганим учун кечиринглар. "Учинчи дунё"дан ўзининг дарду ҳасратлари билан келган одамдан бошқа ниманиям кутиш мумкин? Бунда одам ўз қайғу-ҳасратларини илм-фанга, санъатга, маънавий ва инсоний қадриятларга хизмат қилиш учун яралган сизнинг цивилизация воҳангизда тўкиб солмас, қаерда гапирди, дейсиз? Сизнинг воҳани бунёд қилган улғу зот тўплаган улкан бойликларини Яратганининг олдида ўз гуноҳларини ювиш учун, яхшилик ва илм-фан йўлига сарфлаган. Биз, "учинчи дунё" фарзандлари сиздек маърифатли арбобларни ундан намуна олишга қаққирамиз. У дунёни қандай қўришни истаган бўлса, шундай дунё учун курашинг!

ЭНГ БИРИНЧИ ҲУҚУҚ — инсоний ҳаёт келтирилишидир



Қадимий папирусда ёзилишича, бир фиръавнга унинг ҳарамиди асирларидан баъзилари сарой аъёнлари билан ишқий муносабатга киргани ҳақида хабар берадилар. Ўша давр қонунларига кўра, саройда гуноҳ қилган одам зудлик билан жаллодга топширилган эди. Фиръавн энг билимдон қо-

нушносларни чаққириб, воқеани синчиклаб ўрганишни, кейин одил суд қилиб, адолатни тиклашни топширади. Аминманки, фиръавннинг бу қарори улғувор пирамидалардан ҳам, кучли салтанатлару бойликлардан ҳам ортикроқ ҳайрат уйғотади. Салтанатлар йўқ бўлиб кетди, улар ҳақидаги хотиралар фақат ёзувларда қолди. Бир вақтлар келиб, пирамидалар ҳам қулга айланади. Бирок, ҳақиқат ва адолат, одам зотига синчков ақл, безовта қалб бор эканки, сақланиб қолаверади.

билган ва эксплуатация қилиш объекти деб ҳисоблаган. Бундай бошлиқлар учун энг муҳими — бошқалардан устунликка эришиш, ўз улғулигини қатъийлаштиришдан иборат бўлган. Шундай тубан мақсадлар учун ахлоқ, тамоқчиллар, инсоний қадриятлар топталган, бу йўлда ҳар қандай восита ўринли ҳисобланган. Шундай мақсадларни деб сон-саноксиз одамлар қурбон қилинган, ёлгон, хиёнат, шафқатсизлик — қуч ва улғуворлик белгиси деб ҳисобланган. Энди биз инсоний қадриятларга бошқача кўз билан қарашимиз, муносабатимизни ўзгарттиришимиз лозим.

Ҳозирги цивилизациялашган раҳбарнинг улғуворлиги, дунёқарашининг кенглиги, бутун одамзот тақдирини учун қучайган масъулияти билан баҳоланиши керак. Ривожланган давлатлар ҳам, "учинчи дунё" мамлакатлари ҳам — ҳаммаси бир оила. Бу оилада



кулфатларимизни четдан туриб кузатувчилар бўлмаган, улардан қутулишимизга ёрдам беринглар! Бу — сизларнинг улкан имкониятларингизга мос келадиган олийҳиммат ролингиздир. Сизлар тараққий этган дунё вақиллари сифатида ер юзидаги ҳаётнинг ҳар қандай қўринишларига, ундан ҳам кўпроқ, бу улкан, айни пайтда тор дунёда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳаётига масъулсизлар. Гапириб-гапириб қўйиш етарли эмас, қароқчиларча сиёсату чангалзор қонунларини тутатиш учун амалий чора кўриш вақти келди. Биз шундай даврда яшаймизки, раҳбарлар одамзотнинг яшаб қолиши учун, сайёрамизнинг тақдирини учун жавобгардир... Одамлар, инсоният тақдирини олдиндаги ўз масъулиятлари даражасини англаб етишларига ёрдам беринг! Ҳализамон одамийлик, ақл-заковат, илм-фан қонунлари

берувчи воқеа деб биламан. Улғу таълимотга эргашган одамлар маъусийлик цивилизациясини меваларидан тотиб қўришни лозим топидилар.

Тақдир мени икки улғу цивилизациянинг юртида туғилиб, уларнинг сўтидан озиқланишимни, маданий меросидан баҳраманд бўлишимни лозим қўрибди. Ана шундай заминда менинг китобларим дунёга келди. Улар хурматли академиянинг юқори баҳосига сазовор бўлиб, адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотига лойиқ деб топилгандан бахтиёрман. Уз номимдан ҳам иккала цивилизациянинг манғулиқа кетган иждоқорлари номидан самимий ва чуқур миннатдорчиликни қабул қилишимизни сўрайман.

Жаноблар! Эҳтимол сизлар "Қандай қилиб бу "учинчи дунё" одами ўз ақлининг эринчоқлигини енгиб ўтиб, бадий асарлар ёза қолибди?"

Илтифотли диққат-эътиборингиз учун, жаноблар, сизларга яна бир марота миннатдорчилик билдираман.

Қ. ДУСТМУҲАММАД
таржимаси

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг қарори асосида вилоятда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик, шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент вилояти қурилиш назорат инспекциясида ҳар ойнинг биринчи сешанба кунини **"Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш"** ва **"Очқик эшиклар кунини"** ўтказилади.

Стандартлаштириш масалалари синов лабораторияси объектлари техник қўриқдан ҳамда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва тегишли рухсатномалар олиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба кунини соат 9.00 дан 17.00 гача бевосита ёки (71) 241-40-25 **ишонч телефони** рақами орқали муурожаат қилишимиз мумкин.

Тошкент вилояти қурилиш назорат инспекцияси манзили:
Тошкент шаҳри,
А. Қодирий кўчаси, 7-уй.



“AMIRSOY”:

мажмуанинг иккинчи босқичи



— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 сентябрь куни “Amirsoy” тоғ-чанғи курорт мажмуаси барпо этишининг 2-босқичи тўғрисидаги фармойиши қабул қилинди. — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот хизмати бошлиғи Лола Раҳмонбоева. — Унга асосан, лойиҳа ташаббускори ҳамда у томонидан жалб этилган халқаро молия институтлари маблағлари ҳи-

собида умумий қиймати 75 миллион евро бўлган мажмуанинг 2-босқичида 2 минг 400 ўринга мўлжалланган 4 та ресторан, 105 ўринли хоналар фондига эга бўлган “4 юлдузли” меҳмонхона, 101 ўринли хоналар фондига эга бўлган “5 юлдузли” меҳмонхона, офислар ва савдо майдонларидан иборат 500 ўринга мўлжалланган кўп қаватли автотураргоҳ, осма йўллар, тоғ-чанғи кўтаргичлар, 16,8 км. узунликдаги тоғ-чанғи трассалари, тоғ спорти, чанғи ва бошқа жиҳозларни ижарага бериш шартномаларига эга бўлган кўп тармоқли марказ, бас-сейнлар ва ҳордиқ чиқариш ҳамда дам олишнинг мавсумий турларини таш-

кил қилиш учун махсус майдонларни барпо этиш кўзда тутилган. Мамлакатимиз туристик жозибадорлигини оширишга қаратилган мажмуа лойиҳани ўз муддатида амалга оширилишини таъминлаш учун давлат томонидан зарур ҳайвонларнинг генетик фондиди сақлаш, шунингдек, фаолиятнинг атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш ва табиати муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш бўйича масъулият юклатилди.

инфратузилма ва тармоқларни барпо этишда кўмак берилди. Лойиҳа ташаббускорига қуриш-монтаж ишлари ва келгусида лойиҳани эксплуатация қилиш жараёнида ноёб табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг генетик фондиди сақлаш, шунингдек, фаолиятнинг атроф-муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш ва табиати муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш бўйича масъулият юклатилди.

Ўз мухбиримиз

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 27 августдаги “Бўстонлик туманида бошқаруving алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фар-



Туризм

НАВОЙИНИ ЎҚИМАГАН БОЛАЛАР...

*Ватан азал битта Ватандир,
Ў биз ўзим сўғмасамандир.
Шун сабабдан бола боллардан,
Майна боллар, лага боллардан
Ўзим ўриб, юлқини керак,
Навоийни ўқини керак,
Дилга нодир юлқини керак!*

Сирожиддин Саййиднинг ушбу мисраларини ўқиётган, дераздан мактабдан хомуш қайтаётган қўшни болакайга қўзим тушди. Эшик олдида уни кутиб олган бобоси билан суҳбатини эшитдим. Ҳазил дўлмагани учун ўқитувчисидан гап эшитибди. Боланинг айтишича, Навоий ғазаллари тилини тушунолмабди. Уни эшитган бобоси аччиқланди: “Устозинг ўзини билсин, мени ўқувчим бўлган. Мактабда исмини ёзишни ҳам билмасди...”

У беш ёшида “Мантик ут-тайр” асарини ёддан биларди. Беш ёшли боланинг тасаввуф адабиёти дурдоналаридан бўлмиш “Мантик ут-тайр” асарини ўрганиши, ўн ёшида муқаддас Қуръони каримни ёддан билиши бугунги давр кишиларини ҳайрат денгизига фарқ этиши табиий. Йигирма саккиз ёшида карвон-карвон билимлар сарбони, юртга танилган шоир ва тажрибали давлат арбоби даражасига етган буюк инсон билан қондош, жондош, қолаверса, миллатдош бўлиш, албатта, фахрли.

Мулоҳаза

Аммо, шунинг ўзи етарлимикин? Англаганингиздек, бугунги мавзумиз буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳақида...

...Болалик хотираларимдан маълумки, муаллима бизга ғазални ифодали айтишни ўргатибдию, аммо моҳият билан юзлаштиролмабди. Кейинроқ улғайиб, олийгоҳга киришга тайёрланиб юрган кезларимда Навоийни чуқурроқ тушунишга, уни яқиндан ҳис этишга уриндим. Бунга аввало, мажбурий деб қарардим. Чунки, биргина маълумотни ёдлаб қолмаслик мени ўқидан мосуво қиларди. Бугун билсам, Навоийни ўқиш ва уни англаш бурч экан. Алишер Навоийни англаганлар учун у даҳо, руҳшунос, ақлга тугён берувчи китоблар муаллифи, замонасининг кўзга кўринган вакили, барча соҳада билимдон шахс, ҳар бир мисрасига гўзал ташбеҳлар юклай олган моҳир санъаткордир. Ўз қаҳрамонлари билан нафақат ўтмиш нигоҳини, балки бугун йўқолиб бораётган фазилатларини рамз ила сузлаган мутафаккир илк бор ўқувчиларига “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур” дея устозлик қилади. Кейинроқ руҳни ва ақлни қомилликка етаклайди.

Чўққига чиқиш, мақсадга етиш бошқа масала. Моҳият идеалининг мавжуд бўлиши ва уни англамоқликда. Ҳазратнинг илм йўлида чеккан захматлари самараси бўлмиш тафаккур гулшани бизга қолдирилган барча бойлик-

лардан устун. Биз бу маънавий меросни ўқиб ўрганишимиз, аввало, ўзимиз яхши тушуниб, келажак авлодларга қолдиришимиз керак. Аммо, афсуски биз ўзлигимизни танитган мисраларни, тилимизни бойитган сузларни унутяпмиз, уларга беаромиз. Наҳотки, Навоийни ўқимаган болалар маънавий дунёсида катта йўқотиш бўлишини англамаяпмиз? Айниқса, ҳозирги алғов-далғов замонда, болалар тарбиясидаги жиҳдий кемтикларни тўлдиришда Навоийдан малҳам изламаймиз? Йигит-фаримизда Фарҳоднинг мардлиги, қизларимизда Шириннинг вафодарлиги, кўнрақнинг...

сию ҳаёси неғадир кўринмапти... Шу каби мулоҳазалар, аввало, ўқитувчиларни, ота-оналарни, қолаверса, барчамизни ўйлантириши керак, назаримда. Қолаверса, ҳазрат Навоийни ўқувчиларга англаш олиш учун устозларнинг ўзлари етарлича билимга эга бўлишлари керак.

Аслида Навоийни ўқиш ва ўқитиш қанчалар долзарблигини билиш учун ҳаётни қузатишининг ўзи кифоя. Атрофга қаранг, бугун ёшларимизнинг нутқи раван эмас, гапирганда сўз топишга қийналади, ажнабий калималардан беармон фойдаланишдади, қўшиқларимизда мазмун йўқ, сузлашув услуби ахборий оламимиздаги кириб борди, жаргонлар оддий ҳолга айланди. Фильмларимизни танқид қиламиз, мазмун йўқ деймиш. Аслида айб Навоийни ўқимамай туриб, миллат тилида асар яратётган “замонавий” режиссёрларда. Саҳнадаги актёр ва актрисалардан ўрнак олиб, “оммавий маданиятни” ўзлаштиришга қўйиб бераётган ота-оналарда...

Мақсадимиз синҳор маломат қилиш эмас. Аксинча, унутиб бораётганимиз тарихий ва буюк шахсларга боқиб келажак йўлини ёритиш, болаларни зиё нурида тоблантироқчи тарғиб этишдир. Истагимиз, бизнинг қиссамиз Эркин Аъзамнинг “Навоийни ўқиган болалар”и ҳаёти каби машъум якун топмасин...

Мадина АБДУСАМАТОВА
Тошкент ҳақиқати/

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН 5 МИНГ ҚАДАМ

КҮЙИ ЧИРЧИҚ туманининг “Пахтазор” спорт комплексидида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарғиботини кучайтириш мақсадида спорт тадбирлари ташкил этилди. Тадбирда аҳоли вакиллари, ёш спортчилар ҳамда нурунийлар иштирок этишди.

— Виллоятимизнинг ҳар бир туманида босқичма-босқич турли спорт тадбирлари ташкил этилмоқда, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Комилжон Одилов. — Асосий мақсадимиз — спортни ҳар кунги ҳаёт тарзимизнинг муҳим бўлагига айлантириш. Тадбир давомида 200 на-

фардан ортиқ ёш спортчилар футбол, волейбол, енгил атлетика ва яққа кураш бўйича беллашишди. Мусобақа сўнгда голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан совғалар билан тақдирланди.



БЕКБОБД туманининг марказий стадионида «Соғлом ҳаёт учун 5 минг қадам» марафони ташкил этилди.

Тадбирда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ва Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлиmlлари, мактаблар ва мактабга таълим муассасалари ходимлари қатнашишди. Марафон давомида иштирокчилар спорт ва бадантарбия машғулотларида фаоллик кўрсатишди.

ШАХМАТ. Пойтахтимиздаги Халқаро шахмат академиясида олий лигада дона сураётган ўғил-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати давом эттирилмоқда.

Жорий йилнинг 11 март куни бошланган мамлакат чемпионати 5 тур ўтиб, пандемия сабаб тўхтатиб қўйилган эди. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 19 сентябрдаги буйруғи билан шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати қайта тикланди. Мусобақа голиб ва совриндорлари 24 сентябрь куни маълум бўлади.

Пойтахтимиздаги “Хумо” арена саройида “Ўзбекино” Миллий агентлиги томонидан Тошкентдаги Гёте институти “Шлингел” халқаро кинофестивали билан ҳамкорликда “Шум бола – 2020” кинофестивали ўтказилмоқда.

Унда “Шлингел” халқаро кинофестивали томонидан замонавий ҳамда долзарб мавзудаги немис фильмлари ўзбек ва рус тилларида намойиш этилади. Шунингдек, фестивал даирасида ўзбек киноижодкорлари томонидан

“Шум бола – 2020” фестивали болалар, ёшлар, ота-оналар, ўқитувчилар ва мутахассислар учун мўлжалланган бўлиб, кириш bepул. Томошалар душанба, чоршанба ва жума кунлари рус, сешанба ва пайшанба кунлари ўзбек тилида намойиш этилади.

“Алибаба” асосисси Жек Маган иқтибослар

- Доимо яхши одамлар билан эмас, тўғри одамлар бирга бўлиш керак.
- Маблағ доимо етарли, фақат ўз орзуси учун ўзини қурбон қила оладиган умидли одамлар кам.
- Одамларни ютуқ ва муваффақиятларидан эмас, хатоларидан ўрганиш керак.
- Таслим бўлмаслик керак. Бугун оғир, эртага баттар қийин, лекин индинга қуёш чиқади.
- Агар ўзингиз синаб кўрмасангиз, имконият борлигини қаердан биласиз?

“Шум бола – 2020”

Узоқ кутилган намойиш

суратга олинган қисқа метражли фильмлар ҳамда “Ўзбекино” Миллий агентлиги буюртмасига биноан яратилган “Зумраша” киножурналининг янги фильмлари тақдим этилади.



Фестиваль дастуридан Германиянинг “Жуда қалин дўстлар”, “Куринмас Сюз”, “Рокка дунёни ўзгартиради”, “Фрици — тарихдаги бурилиш нуқтаси” каби фильмлар ўрин олган.

Толибжон ТОШПҮЛАТОВ
тайёрлади

Ҳикоя

Меҳрибонлик уйи. Ҳамма болалар ўйин билан банд. Фақат у бундан мустасно. У ҳар доим дарвозага мунгайиб қараб ўтиради. Ҳомийлардан, давлат бюджетидан улашилган совғаларга ҳам эътиборсиз қарар, хатто ўз совғасини ҳам бировга тортиқ қилиб юборар эди.

— Сенга совға ёқмадимми, — деди янги келган тарбиячи меҳрибонлик билан.

Аламли қарор

— Йўқ, бундай ширинликлар мени қизиқтирмайди.
— Ҳар доим ҳардамхаёл юрасан. Онангни соғинасанми?
— ...
— Уни қўришни хоҳлайсанми?
— Ҳа. Уни бир марта кўрсам эди...
— Менимча, у ҳам сени соғинса керак. Ахир, сен жуда ажойиб боласан. Эҳтимол сени олиб кетишга

ҳозирча имконияти йўқдир.
— Катта бўлсам, албатта, уни қидириб топаман.
— Бунга шубҳа йўқ, жоним. Агар онангни топсанг, унга нима деган бўлардинг. Қучоқлаб йиғлармидинг?
— ...
— Унга айтадиган гапларинг кўп бўлса керак-а?
— Ҳа. Мени нимага ташлаб кет-



гансиз, деб сўрардим.
— Кейинчи, онанг билан бирга яшармидинг?
— Йўқ!

Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи — 205. Буюртма Г-943. 4 278 нусхада чоп этилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет услубида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоиси келишилган нархда.

Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqati@mail.uz // th-tp@inbox.ru

Манзилими:
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисими:
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусахҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи
Муҳаммадсиддиқ АЛИЖОНОВ